

# **МАКАРОН МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ ФАНИДАН АТАМАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУГАТИ**

## **(ГЛОССАРИЙ)**

**Антоксидантлар** – оксидланиш жараёнини секинлаштирувчи моддалар.

**Гомогенлаш** – маҳсулот таркибини бир жинсли ҳолатга келтириш.

**Гранула** - лотинча сўзи *granululum* сўзидан олинган бўлиб, «донача» маъносини англатади.

**Дезинсекция** - заарли ҳашоротларни маҳсус йўллар билан йўқотиш.

**Дезинфекция** - юқумли касалликларни тарқатувчи микробларни маҳсус йўллар билан йўқ қилиш.

**Дератизация** - кемирувчиларни маҳсус йўллар билан йўқотиш.

**Донга гидротермик ишлов бериш** – донни намлаш ва 0,15-3 МПа босимга эга буғ билан 3-5 минут ишлов бериб, кейин уни 12-15 % намлиkkacha қуритиш.

**Каротиноид пигментлар.** Каротиноид пигментлар (каро-тиноидлар) гурухига сариқ ёки сарғиши рангга бўялган моддалар киради.

**Макарон маҳсулотлари** - ун ва сувдан, баъзида эса оқсили бойитувчилар ёки таъм берувчи моддалар қўшиб тайёрланган ошпазлик ярим тайёр маҳсулоти ҳисобланади.

### **Макарон маҳсулотларининг тавсифи**

**А гурухи** - қаттиқ буғдой унидан тайёрланган маҳсулотлар;

**Б гурухи** - шаффоғлиги юқори бўлган юмшоқ буғдойдан тайёрланган маҳсулотлар;

**В гурух** - юмшоқ буғдойдан тортилган новвойлик унидан тайёрланган маҳсулотлар;

**1-синф** - новвойлик олий навли ундан тайёрланган маҳсулотлар;

**2-синф** - новвойлик биринчи навли ундан тайёрланган маҳсулотлар киради.

**Макарон маҳсулотлари қўйидаги типларга бўлинади:** найсимон, ипсимон (вермишел), тасмасимон (угра) ва шаклдор. Ўз навбатида санаб ўтилган макарон маҳсулотларининг типлари хил-ларга (подтипларга) ва турларга бўлинади.

**Макарон хамири тайёрлаш.** Хамир тайёрлаш жараёни қўшимчаларни (ун, сув ва бошқалар) дозалаш ва хамир қоришдан иборат.

**Хамирни пресслаш.** Пресслашнинг, бошқача қилиб айтганда экструзиянинг мақсади - қорилган хамирни зичлаш, уни бир жинсли боғланган қовушқоқ пластик хамир массасига айлантириш, кейин унга маълум шакл беришдан иборат. Хамирга, уни металл матрицага ўйилган тирқишилар (филерлар) дан сиқиб чиқариб шакл берилади. Тирқишиларнинг шакли прессланган нам маҳсулотларининг шаклини белгилайди. Масалан, айлана кесимли тирқишдан вермишел, тўғри бурчакли тирқишдан угра олиш мумкин.

**Нам маҳсулотларни бўлаклаш** икки операциядан иборат: матрицалардан прессланган нам маҳсулотларни керакли узунликдаги бўлакларга бўлиш ва уларни қутишига тайёрлаш.

**Макарон маҳсулотларини қутиши.** Қутишининг мақсади – маҳсулотларнинг шаклини мустаҳкамлаш ва уларда микроорганизмларнинг ривожланишини олдини олишдан иборат. Бу технологик жараённинг узоқроқ давом этадиган ва масъулиятли босқичи бўлиб, уни тўғри амалга оширилиши биринчи навбатда маҳсулотларнинг мустаҳкамлигини таъминлайди.

**Макарон маҳсулотларини қадоқлаш.** Тайёр маҳсулотлар кичик идишларга (қутичалар ва халтачалар) қўлда ёки қадоқлаш машиналарида, ёки уюм ҳолида йирик идишларга (қутиларга, кўп қатламли қофоз қопларга) жойланади.

**Макарон хамирининг рецептураси.** Макарон хамирининг рецептураси уннинг сифати, маҳсулот тури, қутиши усули ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Рецептурада қуйидагилар кўрсатилиши лозим: ун ва сувнинг миқдори ва ҳарорати, хамирнинг намлиги ва ҳарорати, қўшимчали маҳсулотлар ишлаб чиқаришда эса - қўшимчаларнинг дозалари.

#### **Макарон хамирини қориш усуллари.**

Хамирнинг белгиланган намлигига кўра макарон хамирини қориш учхилга бўлинади:

- қаттиқ, хамирнинг намлиги 28-29 %;
- ўрта, хамирнинг намлиги 29,1-31 %;
- юмшоқ, хамирнинг намлиги 31,1-32,5 %.

**Матрица** – маълум шаклдаги тешикчаларга эга қалин металл пластина бўлиб, прессларнинг асосий қисми ҳисобланади.

**Меланж** - пўчоқ, пўстлоқ ва тухум муртагидан ажратилган, оқи сарифи билан аралаштирган ва музлатиб қадоқланган тухум маҳсулоти.

**Модификацияланган крахмаллар** – маҳсус ишлов бериш натижасида табиий крахмалнинг хоссаларини ўзгариши йўли билан олинган маҳсулотлар.

**Спагетти** - хорижда маклакатларда узун вермишел шундай номланади.

**Стерилизациялаш** – маҳсулот таркибидаги барча микроорганизмларни йўқотиш мақсадида кўп ҳолларда унга 100 °C дан юқори ҳароратда, босим остида иссиқлик билан ишлов бериш.

**Технология** - материални қайта ишлаш воситалари ва услублари тўғрисидаги фан.

**Тритикале** - буғдой (Triticum) ва жавдар (Secale) донларининг лотинча номларидан олинган атама.

**Ун тортиш** - донни қайта ишлаб ун олиш технологик жараёни мажмуаси.

**Эндосперм** – асосан крахмал ва оқсил заррачаларидан иборат доннинг мағзи.